



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Айрим ота-оналар фарзандини ўқитиш, илм олишини таъминлаш ўрнига чала касби билан ишга қўйишни маъқул кўрапти. Энг ёмони, болалар ҳам номаъқул анъанага қўниқяпти.

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 27-may, payshanba, 62 (23.498)-son



«Битирувчи – 2021»

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ

25 май куни вилоятимиздаги умумтаълим мактабларида ҳам “Сўнгги кўнғирок” тадбирлари бўлиб ўтди. Бу йилги тадбирлар давлатимиз раҳбарининг мактаблар битирувчиларига табрик йўллагани билан унутилмас таассуротларга бой ва ёдда қоларли бўлди.

Карантин қоидаларига амал қилган ҳолда ўтказилган тадбирларда Президентимизнинг табриги ўқиб эшиттирилди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар, ўқитувчилар ва битирувчиларни табриклаб, уларга оқ йўл тилади.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов Оқдарё туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабда ўтказилган “Сўнгги кўнғирок”да иштирок этиб, битирувчиларни

табриклади. Улар билан сўхбатлашиб, йигит-қизларнинг орзу-ниятлари, мақсадлари билан қизикди.

Тадбирда бир гуруҳ педагоглар ва ўқувчиларга ташаккурномалар топширилиб, қимматбаҳо совғалар берилди.

– Якунига етаётган ўқув йилида вилоятимиздаги умумтаълим мактабларининг 11-синфини 50647 нафар ўқувчи битириб, мустақил ҳаётга йўлланма

олмоқда, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи З.Шодиева. – Бу ўқувчиларимизнинг 571 нафари олтин, 71 нафари кумуш медал билан мактабни битираётгани қувонарли, албатта. Муҳими, улар орасида 58 нафар йигит-қизлар муддатидан олдин юртимиздаги ҳамда АҚШ, Хитой, Россия, Япония, Англия каби давлатларнинг нуфузли олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги 50-мактаб битирувчиси Назира Даврони, 24-мактаб битирувчиси Парвиз Субҳонқулов, 51-ИДУМ битирувчиси Шахринабону Жангирова, 17-мактаб битирувчиси Муштарийбеги Аҳмаджонова, 35-мактаб битирувчиси Муродбек Абдурашидов хорижий давлатлар университетлари грантини қўлга киритиб, бу муассасаларнинг талабаси бўлдилар. Бундай истеъодли ёшлар вилоятимизнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам жуда кўп. Уларнинг ютуғидан барчамиз фахр-ифтихор туямиз. Бу йил битирувчиларимизга давлатимиз раҳбари табрик йўллаб, эзгу тилақларини билдириши уларни яна ҳам янги марраларни забт этишга чорлайди.



Карантинга ёпилган мактабларда масофавий таълим йўлга қўйилдими?

Коронавирус пандемияси сабабли вилоятимиздаги 160 дан ортиқ мактаб карантинга ёпилиб, ўқувчилар масофавий таълим олди.

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси вилоят ҳудудий бўлими томонидан туман халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорликда Пахтачи, Нарпай, Каттакўрғон, Паст Дарғом, Пайриқ, Жомбой ва Самарқанд туманидаги айрим мактабларда ушбу жараён ўрганилди.

Фаолияти ўрганилган барча умумтаълим мактабларида масофавий таълим жараёни қоникарсиз аҳволда ташкил этилгани аниқланди. Масалан, масофавий таълим олаётган ўқувчиларнинг рўйхати маҳаллалар кесимида шакллантирилмаган. Ўқувчиларнинг масофавий таълим олиш учун мавжуд шарт-шароитлари ўрганилмаган. Аксарият фан ўқитувчилари томонидан “Онлайн мактаб” лойиҳаси доирасида ўқувчилар бажарган ўй вазифалар ўз вақтида текширилиб, баҳолаб берилмаган. Ўқувчиларнинг ўй вазифаларини баҳолаб бориш бўйича дарс берадиган синфлар учун вақтинчалик синф журналлари (дафтери) юритилмаган.

Жумладан, Нарпай туманидаги 11-мактаб ўқувчисида коронавирус аниқлангани сабабли муассаса 14 кун муддатга карантинга олинган. Дарслар “Онлайн мактаб” платформаси орқали масофавий шаклда давом этирилиши белгиланган. Туман санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимининг мактаб иш фаолиятини 14 кунга тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарори чиққан бўлса-да, бу тўғрида мактаб директорининг буйруғи чиқарилмаган.

Нарпай туманидаги Кўкота маҳалласида яшовчи Баҳодир Аҳмедовнинг 2 нафар фарзанди мазкур мактабнинг 6- ва 9-синфда таҳсил олади. Унинг айтишича, фарзандларининг масофавий шаклда таҳсил олиши учун уйда имконият йўқ, интернет мавжуд эмас, мактаб маъмурияти, синф раҳбарлари телефон

орқали ёки уйга келиб бIRON марта болаларининг ўқиши билан қизиқмаган. Ваҳоланки, мактаб билан мазкур фуқаро яшайдиган ҳовли ўртасидаги масофа 150 метрни ташкил этади.

Пахтачи тумани Тadbirkor маҳалласида истиқомат қилувчи 27-умумий ўрта таълим мактабининг 6-“б” синф ўқувчиси Ж.Илҳомов оиласида телефон бор бўлса-да, телеграм мессенжерда ташкил этилган гуруҳга қўшилмаган. 27 кунлик карантин даврида ўқувчининг дарс қилиш жараёни бIRON марта назоратга олинмаган. 4- ва 7-“а” синф ўқувчилари билан ўтказилган сўхбат жараёнида ҳам улар назоратсиз қолдирилгани аниқланди.

Масофавий таълимнинг талаб даражасида ташкил этилмагани, назоратсизлик, қаровсизлик туфайли карантин муддати туғалгандан кейин ҳам анъанавий дарс жараёни ўлда-жўлда олиб берилган. Жомбой туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабда карантиндан кейинги биринчи анъанавий дарс куни (20 май) 6-, 9- ва 10-синфларда ўқувчилар мактабга келмаганлиги сабабли дарслар ўтказилмаган. Ўқувчиларнинг онлайн дарсларда иштироки, ўзлаштириши бўйича индивидуал назорат ўрнатиш даражаси паст. Ўқитувчи томонидан қўшимча топшириқлар берилмаган, телевизион дарсда ўтилган мавзулар юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмаган, баҳолаб бориш талаб даражасида эмас.

Шунингдек, масофавий таълимда давомат ва ўзлаштириш бўйича туман, вилоят миқёсида мониторинг юритилмаётгани қуйи раҳбарларнинг ишони янада бўшаштириб юборишига сабаб бўлган.

Д.БОБОЖОНОВ,
таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси вилоят ҳудудий бўлими бош мутахассиси.

Мамлакат РАВШАНОВА, Самарқанд туманидаги 33-ихтисослашган давлат умумтаълим мактаби директори:

– Бу йил мамлакатимизда ёшларга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор қаратилаётгани, уларнинг ўқиши, касб-хунар эгаллаши учун кенг имкониятлар яратилаётганига гувоҳимиз. Бу юртининг эртаси, келажакка эътибор демокдир.

Давлатимиз раҳбарининг мактаб битирувчиларига табрик йўллаши биринчи марта кузатилаётган ҳолат ва бу юртимизда ёшлар масаласи қанчалик муҳим ҳамда аҳамиятли эканлигининг яна бир далолати.

Табрикда қайд этилганидек, биз ўз олдимиизга улкан мақсадларни қўйиб, уларга эришишининг энг муҳим омил сифатида таълим-тарбия соҳасига жуда катта аҳамият бермоқдамиз.

Қисқа муддатда мактабга таълим, олий ва ўрта махсус таълим тизимида муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади” шiori асосида мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланди.

Мактабимизни бу йил 114 нафар битирувчи тугатяпти. Уларнинг 76 нафари олий таълим муассасаларида, 20 нафари техникумларда ўқишни давом эттириш истagini билдиришди. Қолганлари касб-хунар ўрганмоқчи. Уч нафар битирувчимиз олтин медалга тавсия этилган. Улар якуний имтиҳонларни аъло баҳоларга топшириб, бу юксак шарафга эришишларига ишонамиз.




Жаҳонгир ПЎЛАТОВ, Каттакўрғон шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактаби битирувчиси:

– Бу йил мактабни битириб мустақил ҳаётга қадам қўяётганимиз ҳаётимиздаги энг унутилмас давлар ҳисобланади. Бунинг масъулиятини бугун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳис қилиб турибмиз.

Ана шундай пайтда Президентимизнинг бизга табрик йўллаб, оқ йўл тилашлари катта мадад, куч берди. Айниқса, “Мактабни битириб чиқаётган йигит-қизларимиздан биронтаси эътибордан четда қолмайди. Уларнинг ҳар бири халқимиз, Ватанимизнинг чексиз меҳри ва юксак эътиборини ҳис қилиб яшайди”, деган сўзлари мустақил ҳаёт сари дадил қадам ташлашимиз учун бизга тоғдек таянч бўлди.

Мактабни муваффақиятли битиришман. Имтиҳонларни аълога топшириб, олтин медал олмақчиман. Шунингдек, инглиз тилидан 5,5 балл билан IELTS сертификатига эгаман. Насиб этса, бу йил Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ўқишга кирмоқчиман. Келажакда етук дипломат бўлиш ниятим бор.



Президентимизнинг давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги ислохотлар натижадорлигига оид тақдирот билан танишуви ҳамда мазкур жараёнда соҳага доир кўплаб муаммоларни кўтариб, янги вазифаларни белгилаб бергани ўз ишимиз ва фаолиятимизга янги дунёқараш билан қарашимиз кераклиги, айниқса, ҳудудларда аҳоли манфаатларини кўзлаб, давлат хизматларини кўрсатишда ўзига хос тажрибани қўллашимиз зарурлиги, бу йўлда аниқ мақсад ва тинимсиз изланишимиз, кўпроқ меҳнат қилишимиз кераклигини кўрсатди.



Хизматлардан фойдаланиш тизими янада соддалашди

Йилдан-йилга хизмат қамрови кенгайиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда хизмат турлари 157 та етган. Самарқанд вилояти мисолида олиб қарайдиган бўлсак, йил бошидан буён вилоятдаги давлат хизматлари марказлари орқали 141 661 та хизмат кўрсатилди. Жумладан, 11639 та тadbirkorлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди.

Бу рақамлар ўз-ўзидан келиб чиқаётгани йўқ. Бунда вилоятнинг барча туман, шаҳарлари марказларида қад рoстлаган замонавий, шинам ва барча шароитларга эга давлат хизматлари марказларининг тўлиқ фойдаланишга топширилганлиги аҳолига қулайлик яратмоқда.

Тақдирот давомида давлатимиз раҳбари давлат идоралари фаолиятининг асосий мақсади одамларни рози қилиш эканлиги, қайси кишлоқда, маҳаллада қайси хизматга эҳтиёж борлигига қараб, шунга шароит яра-

тиш кераклиги ҳамда қайси хизматларни арзонлаштириш, қайсыларини бепул қилиш масаласини таҳлил этиб, аҳолига енгиллик ва қулайлик яратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Албатта, бу орқали аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизими янада соддалашди ҳамда хизматларни олишда тезкорлик ва сифат тамойили янада мустаҳкамланди.

Ушбу йўналишда ҳам вилоятимизда зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Туман (шаҳар) марказларидан олиш ҳудудларда, жумладан, Қўшрабoт туманидаги Жонбулоқ, Нуробoд туманининг Саҳoба, Паст Дарғoм туманининг Олти қаҳраoн, Самарқанд туманидаги Қайнама, Каттакўрғон шаҳрининг Ингичка ҳамда Ургут туманининг Жартeпа кишлоғида давлат хизматлари марказлари шoҳoбчaлари фаoлият кўрсaтmoқдa.

2-саҳифа >>>

Маҳалламизга машҳурлар келди

Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги олдидан вилоятимиздаги маҳалла ва кишлоқларда эл севган санъаткорлар, таниқли шоир ва ёзувчилар, театр актёрлари, сўз усталари иштирокида маданий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар, концерт дастурлари ўтказилмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаров, Солижон Ҳакимов, Малика Иброҳимова, Мехри Ҳакимова, Тўйма Пардаев, эстрада хонандалари Зарипбой Азизов, Наргиза Маққулова, Сўхроб Ҳамдамов, Машҳура Эргашева, Фирдавс Пазлитдинов, Далер Саидов, Ўзбекистон халқ артисти Мардон Мавлонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари ҳамда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларидан иборат ижодий гуруҳлар олис ҳудудларда бўлиб, аҳоли билан самимий мулоқот қилмоқда.

– Ижодий жамоамиз билан Каттакўрғон туманида бўлдик, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаров. – Карантиндан кейин юрт-

дошларимиз мана шундай жонли учрашувларни соғинган экан. Чекка ҳудудларда ҳам муҳлислашимиз борлиги, ижодимизга бe-фарқ эмаслиги улар билан кечган самимий сўхбатларимизда билинди. Уларнинг нигоҳидаги қувонч бизга илҳом, ижод қилишга куч бағишлайди. Актёр учун халқнинг эътирофи ва эътиборидан ортиқ баҳо йўқ аслида.

Аҳоли кайфиятини кўтариш, миллий санъатимизни омаллаштириш мақсадида ташкил этилган бундай учрашувлар 29 майгача давом этади.

Одамларнинг кайфиятидаги кўтаринкилик, миллий санъатимизга бўлган эътибор мана шундай давраларнинг мунтазам ўтказилишига замин яратади.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

ИНДАЛЛОСИНИ АЙТГАНДА...

Раҳмон ҚўЧҚОР,
адабиётшунос.



Бугун оғзига кучи етмаган айримлар «яна маънавиятми», «маънавиятчилар жонга тегди», «уларнинг тарғиботисиз ҳам яшаса бўлаверади» сингари моҳият-мақсадига кўра, ниҳоятда хатарли хитобларнинг ҳар қанча баланд овозда, оғзидан кўпик сачратиб майдонга отишмасин, мана шу миллионлар билан – Сиз билан бизнинг болаларимиз, ака-укаларимиз, ота-оналаримиз билан кимдир юракдан сўхбатлашмоғи, ёнига бориб уларнинг дарди-дунёси билан қизиқмоғи керак.

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ АЙРИМ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИ НОМЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрдаги "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонунининг 4- ва 9-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2021 йил 5 апрель ва 2021 йил 8 апрелдаги экспертиза хулосалари ҳамда Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят комиссиясининг 2020 йил 28 декабрдаги 19-19/232-сон ва 2021 йил 26 мартдаги 12-12/78-сон йиғилиш баённомаларини инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг VI чақириқ, XXXI сессияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 1. Нуробод ва Нарпай туманларидаги айрим аҳоли пунктлари номлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси (А.Умаров), вилоят статистика бошқармаси (Т.Сидиков), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Ш.Рўзиқулов), Нуробод (Ф.Зоиров) ва Нарпай (Ш.Раҳмонов) туманлари ҳокимликлари мазкур қарорга мувофиқ номланган аҳоли пунктлари номларини белгиланган тартибда статистик ҳисоботларда акс эттирилишини ва иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.
3. Вилоят ички ишлар бошқармаси (Ш.Раҳмонов), Нуробод (Ф.Зоиров) ва Нарпай (Ш.Раҳмонов) туманлари ҳокимликлари номланган аҳоли пунктларига аҳолини рўйхатга қўйиш ҳамда тегишли йўл белгиларини ўзгартириш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширсин.
4. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Ш.Рўзиқулов), вилоят қурилиш бош бошқармаси (Л.Ҳамидов), Нуробод

- (Ф.Зоиров) ва Нарпай (Ш.Раҳмонов) туманлари ҳокимликлари биргаликда номланган аҳоли пунктларига белгиланган тартибда, замонавий талаблар асосида пешлаш ва кўрсаткич белгиларининг ўрнатилишини таъминласин.
5. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари, матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази (А.Анваров) мазкур қарорни Lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ўрнатилган тартибда эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминласин.
6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ш.Джурарулов) ва вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси (Ш.Темиров) зиммаларига юклатилсин.

Кенгаш раиси Э. ТУРДИМОВ
2021 йил 19 май № 227/31-VI

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2021 йил 19 майдаги 227/31-VI сонли қарорига И Л О В А

Нуробод ва Нарпай туманларидаги айрим аҳоли пунктлари номлари

Table with 4 columns: T/P, Географик объектнинг жойлашган ўрни, Аҳоли пунктнинг амалдаги номи, Ном берилётган аҳоли пункти. Rows include Nurobod and Narpai tumani with various settlement names and their assigned names.

2020 йил 23 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида давлатимиз раҳбари дунё халқларининг бугуни ва келажаги учун муҳим бўлган масалаларга, жумладан, давримизнинг долзарб муаммоларидан бири — глобал иқлим ўзгаришларига тўхталиб, дунё жамоатчилиги эътиборини яна бир бор Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатларига қаратган эди.

Президентимиз ўз сўзида Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этган эди. Бу ташаббус ўша вақтдаёқ кўп давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланганди.



Ниҳоят, жорий йилнинг 18 май куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида Ўзбекистон Президенти тақлифига биноан Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция бир овоздан қабул қилинди.

ни асраш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш мақсадида бу ерда икки миллион гектар янги ўсимлик майдонлари ва дарактзорлар яратиш, тупроқ қатламни шакллантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз ташаббуси

билан Оролбўйи минтақаси учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст фонди тузилди. Ушбу фонд оғир экологик ҳудудда яшаётган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш учун халқаро ҳамжамиятнинг таянч платформаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Оролбўйи ҳудудида миллий дастурлар амалга оширилиб,

«Кун мавзуси»

унга қўра «яшил» ва смарт технологияларни жорий қилиш, иқтисодий ривожланишни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, Оролбўйи аҳолиси муҳтож бўлган йўналишларда соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш бўйича 1,5 миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Биргина Мўйноқ туманида кейинги икки-уч йилда амалга оширилган ишлардан сўнг бу ерда ҳаёт оз бўлса-да ўзгарди, одамларда эртанги кунга ишонч пайдо бўлди.

Худди шундай ишлар бугун Оролбўйидаги бошқа туманларда, Нукусда амалга оширилмоқда. Бу борада давлатимиз ўз имконияти даражасидаги барча ишни бажармоқда. Лекин ҳудудда амалга оширилиши керак бўлган вазифалар шунчалик кўпки, бунга халқаро ҳамжамиятнинг, дунёдаги бошқа давлатларнинг ҳам эътибори, кўмаги зарур. Мухими, Орол фожиаси бу факатгина шу минтақа давлатларининг эмас, бутун олам дарди эканлигини англашимизда.

Мазкур резолюциянинг қабул қилиниши эса бу жиҳатларни бошқа давлатлар ҳам англаётгани, Орол инқирози оқибатларини юмшатиш инсоният келажаги учун қанчалик аҳамиятли эканлигини ҳис қилаётганидан далолат беради.

Ў.САИДУРОДОВ, халқ депутатлари вилоят Кенгаш депутаты.



ПАЙАРИҚ ЙИЛ ЯКУНИГА ҚАДАР «ЯШИЛ» БЎЛАДИ

Давлатимиз раҳбари шў йилнинг 15-16 апрель кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасини қайта қуриш ишлари бошланиши муносабати билан шу ерда нурунийлар ва зиёлилар билан учрашди. Объектда амалга ошириладиган ишлар юзасидан ўзаро фикр алмашилди, лойиҳани тез ва сифатли амалга ошириш лозимлиги таъкидланди.

Вилоят фаоллари иштирокида ўтказилган учрашувда Пайариқ тумани ҳокимидан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, «маҳаллабай» иш тизими, «темир», «аёллар» ва «ёшлар» дафтари асосида олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисобот сўралди. Шунингдек, туман иқтисодиётини ривожлантириш, ҳудуд инфратузилмасини тақомиллаштириш, умуман, пайариқликлар ҳаётини яхшилаш учун ечимини кутаётган муаммоларга эътибор қаратилди. Президентимиз туман ҳокими ва фаоллар билдирган тақлифлар, ўртага ташланган муаммоларга шу ернинг ўзида ечим топиб, ўрганиш талаб этиладиган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва бошқа масъулларга топшириқлар берганди.

Орадан йигирма кун вақт ўтди. Шу давр мобайнида туманда нималар ўзгарди, муаммолар қай даражада ҳал этилди?

– Бу галги ташриф бизнинг туманимиз учун баракали бўлди, – дейди Пайариқ тумани ҳокими Дилшод Мусинов. – Биринчи кун давлатимиз раҳбари Имом Бухорий мажмуаси қурилиши ишлари бўйича яна бир бор ўз тавсияларини бердилар. Мажмуа атрофини, унга борадиган йўлни янада обод қилиш, замон талабларига мос инфратузилма яратиш бўйича топшириқлар берилди. Фаоллар йиғилишида эса туманимизнинг тўрт секторида олиб борилаётган ишлар бўйича ҳисобот бериб, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар юзасидан Президентимиздан кўмак сўрадик. Аслида, давлатимиз раҳбари топшириги кўра, шу йилнинг февраль ойида Бош вазир туманда бўлиб, барча соҳаларни ўрганган ва шу асосида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилган эди. Ушбу дастурда тумандаги 25 мактаб, 16 бочға, 47 та кўп қаватли уйларни реконструкция-таъмирлаш, ичимлик суви ва оқова тизими, йўллар, электр энергияси таъминоти ва бошқа масалалар бўйича аҳолини йиллар давомида қийнаб келаятган масалалар акс этган. Шу ҳақда давлатимиз раҳбарига ахборот бергандим, у киши қарорни тезроқ қабул қилиш ва сўралган маблагни ажратиб бериш бўйича масъулларга топшириқ бердилар. Яқин кунларда бу қарор қабул қилинади.

Иил бошида туманимиздаги 65 маҳаллада хатлов ўтказиб, ҳар бир маҳалланинг драйвери (ўсиш

нукталарини) белгилаб, ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш бўйича дастурларни ишлаб чиққандик. Туман бўйича унта драйвер белгиланган бўлса-да, шундан ўчтаси асосий йўналиш ҳисобланади. Яъни, туманнинг асосий даст ҳудудлари ва лалми майдонларда узумчиликни, Челақ ҳудудида савдо, хизмат кўрсатиш ва саноатни ҳамда Ал-Бухорий ҳудудида эгерт туризмни ривожлантириш.

Туманимизда 25 минг гектар лалми ерлар мавжуд бўлиб, бу майдонлардан шу пайтгача самарали фойдаланилмаган. Утган йил Баҳрин ҳудудида 1600 гектар, Наволи ҳудудида 600 гектар ерда томчилатиб сугориш технологиялари асосида узумзорлар ташкил этдик ва 4400 нафар ишсиз, ўрта дафтарда турган эҳтиёманд оилаларга дехқон ҳўжалиги сифатида 50 сотихдан бўлиб бердик ва улар даромад манбаига эга бўлди. Бу фуқароларга ернинг сугориш тизими ва бошқа харажатлар учун уч йил муддатга имтиёзли кредит ажратилганди. Ҳозир эса бундай турдаги кредитлар 7 йил муддатга берилмоқда. Аҳолининг талаб ва тақлифлари асосида давлатимиз раҳбаридан ўтган йил уч йил муддатга берилган имтиёзли кредитлар муддатини ҳам янги тартибга кўра, етти йиллик қилишда кўмак сўрадим. Марказий банкка муддатни узайтириб бериш бўйича топшириқ берилди ва бу масаламиз ҳам ҳал бўлди.

Челақ ҳудудида савдо, хизмат кўрсатиш ва саноатни ривожлантириш учун тадбиркорларга зарур шароит яратиб беришимиз, яъни йўл, электр энергияси, газ, сув таъминотида муаммо бўлмаслиги керак. Бу борадаги муаммоларимиз ҳам ижобий ечим топди. Хусусан, Челақдаги эски нимстанциянинг қувватини ошириш, тадбиркорлар учун алоҳида тармак тортиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Бу йил туманимизда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида умумий қиймати 796,7 миллиард сўмлик 93 та лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига 5750 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Йилнинг биринчи чорагида 8,9 миллиард сўмлик 7 та лойиҳа ишга туширилиб 48 та янги иш ўрни яратилди.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш бугун энг долзарб масалалардан бирига айланган. Кейинги йилларда шаҳар ва қишлоқларимизда аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, кўп қаватли уйларнинг қурилиши ва уй-жойга муҳтож кишиларга имтиёзли кредит,

субсидия асосида берилиши бу борадаги муаммоларга барҳам бермоқда. Пайариқда ҳам йилига ўртача 2500 та янги оила тузилмоқда. Табиийки, улар ҳам ўз хонадонни бўлишини орзу қилади.

– Ҳозирда бизга 1200 дан ортиқ фуқаро уй-жой учун мурожаат қилган, – дея сўзида давом этади Д.Мусинов. – Албатта, бир-икки йилда бунча уй-жойни қуриш имконсиз. Бу йил Богдод тажрибаси асосида 120 хонадонга мўлжалланган 6 та кўп қаватли уй қуриш ва бу хонадонларни эҳтиёманд оилаларга беришни режалаштирганимиз. Бундан ташқари, Челақ ҳудудидан 10 та 12-14 қаватли уйлар қурмоқчимиз (бу хонадонлар аҳолига субсидия асосида берилади). Ер масаласида муаммо бор эди. Фаоллар йиғилишида бу масалага ҳам ижобий ечим топилди ва ҳозирда бўш турган объектлар мутасаддилар томонидан ўрганилмоқда.

Булардан ташқари, туманимиз фаоллари ҳам Президентимиздан мақтабларда чет тили ўқитувчилари етишмаслиги сабабли Самарқанд давлат чет тиллар институтининг бирорта факультетини шу ерда очиб, «Ўзбекистон» насос станцияси агрегатларини замонавийларига алмаштириш, Халқобод ҳудудидаги Нақурт, Ғалалар, Қўлтўйсин маҳаллаларида 1,5 минг гектар лалми ер майдонларда артезиан кўдуги қазиб, сув чиқарган ҳолда ёшларга 50 сотихдан ер бериш ҳақидаги тақлифлар ҳам давлатимиз раҳбари ташрифи мажлис баёнидан ўрин олиб, бу масалаларни ҳам ҳал этиш чоралари қўрилмоқда.

Олий таълим вазири ва Самарқанд давлат чет тиллар институти раҳбарлари ташрифнинг эртаси куни туманимизга келиб, Баҳрин қишлоғидаги собиқ келиб биносини кўрди ва шу ерда институтнинг инглиз филологияси факультети очилиши, 100 нафар талаба ўқишга қабул қилиниши белгиланди.

Умуман, давлатимиз раҳбари берган топшириқлар ва ташрифдан кейин маъсулларнинг туманга келиб вазиятни ўрганиши, қайд этилган масалалар билан танишиш натижасида Пайариқдаги кўп муаммолар ҳал бўлмоқда. Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича кенг миқёсда амалий ҳаракатлар бошланган. Бу ишлар самарасида 2019 йил якунлари бўйича рейтинг натижаларига кўра «қизил» ҳудуд тоифасига тушган ва ўтган йил якунлари билан «сарик» тоифага ўтган туман жорий йилда «яшил» ҳудудлар қаторига кириши кутилмоқда.

Бунинг учун туман ҳокими бошчилигидаги барча раҳбарлар, ҳудуд аҳолиси астойдил меҳнат қилмоқда.

Ғ.ҲАСАНОВ, А.ИСРОИЛОВ (сурат).



Хизматлардан фойдаланиш тизими янада соддалашди

(Давоми. Бошланғи 1-саҳифада).

Ташкил этилган филиаллар барча замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, марказ ходимлари томонидан аҳолига ҳафтада икки кун тезкор, қулай ва шаффоф давлат хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилган. Жорий йилда бундай шохобчалар Пайариқ туманининг Имом ал-Бухорий ҳамда Пахтачи туманининг Қарнаб ота маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ташкил этилади.

Бундан ташқари, одамларга янада қулайлик яратиш мақсадида чекка ва олис ҳудудлардаги почта алоқа бўлимлари ҳам электрон давлат хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда вилоят марказидан олисда жойлашган Қўшработ туманидаги 2 та, Пахтачидаги 4 та ҳамда Пайариқ туманидаги 3 та почта алоқа бўлимида фуқаролар ўндан ортиқ давлат хизматларидан фойдаланиш имконига эга. Президентимизнинг 2020 йил 14 декабрдаги қарори асосида йил якунигача Қўшработ туманидаги 10 та, Пахтачи туманидаги 9 та ва Пайариқ туманидаги 12 та почта алоқа бўлимлари ҳам шу сингари хизмат турларини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Бу қарор вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам босқичма-босқич давом эттирилади.

Учрашувда давлатимиз раҳбари соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимларига эътибор қаратди, аниқ тақлифларни илгари сурди. Соҳани янада ривожлантириш, аҳолига қулайликларни ошириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди. Хорижий тажриба асосида, 2021 йил якунига қадар давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган хизматлар сони 200 тага етказилиши, барча 716 та давлат хизматини инвентаризация қилиб, уларнинг муддатлари, тўлов миқдорлари, шартлари ва бошқа талабларини соддалаштириш бўйича кўрсатма берди.

Мазкур жараённинг амалиётга татбиқ этилиши зарур хизмат ва маълумотларни бир жойдан олиш имкониятини янада оширади.

Албатта, бунда хорижий тажрибага таяниш юқори самарадорлик гарови. Чунки қўллаб ривожланган давлатларда фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизими аллақачон рақамлаштирилган. Биз эса бунга энди ўтаямиз. Яқиндан бошлаб хизматлардан фойдаланиш тизими янада энгиллаштирилди. Жумладан, 450 дан ортиқ қонун ҳужжатига белгиланган 18 турдаги маълумот ва ҳужжатларни аҳоли ва тадбиркорлардан талаб қилиш бекор қилинди. 1 июндан фуқароларнинг доимий (вакцинча) рўйхатдан ўтган жойдан қатъи назар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш, никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш экстерриториал тамойил асосида амалга оширилиши, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари билан боғлиқ барча маълумотлар нотариал идоралар томонидан мустақил равишда «ФХД»нинг ағона электрон архиви» ахборот тизими орқали олиниши белгиланди.

Шунинг учун вилоятимизда фуқаролик ҳолати далолатномалари архивидида 6 миллион 525 минг 864 дона қоғоз шаклидаги маълумотлар тўлиқ рақамлаштирилди. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига электрон рақамли имзо қилиниши олишда қулайлик яратилиб, улар ушбу жараёнда тўловларни нақд пул кўринишида ҳам амалга оширишлари мумкин. Албатта, соҳадаги янгиликлар шулар билан чекланиб қолаётгани йўқ. Улар сон жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам анча юқори. Қисқа қилиб айтганда, давлат хизматларини кўрсатишда янги давр бошланмоқда, десак муболага эмас.

Мақсуд ҚУРБОНОВ, Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи.

Аввалги коллеж – ҳозирги техникум

уларнинг фарқи нимада?



Қўшимизнинг қизи қишлоғимиздан анча олисда жойлашган коллежда тивувчилик йўналиши бўйича қўиб, дипломли бўлди. Аммо 3 йил давомида на билим олди, на ҳунар ўрганди. Бир ҳафтада икки-уч кун дарсга бормаса, қолган кунлари уйда юрарди.

Баъзида дадаси ота-оналар йўғилишига бориб, қизининг дарсга бормаётганини учун гап эшитиб келганлигини айтди. Лекин хотинининг "шу қизингиз коллежга борганда нима ўрганиб келяпти, ундан кўра уй ишларига қарашин", деган гапидан кейин ҳаёт яна одатдагидек давом этарди. Коллежни битириб, икки йил институтга ҳужжат топширди. Уқишга киролмагач, турмушга чиқиб кетди.

Шу ва бошқа опа-акаларимизнинг тақдирини кузатиб туриб, мени бир ўй қийнади. Мактабимиз 9 йиллик эди. Коллежда ўқишни истамасдим. Шукрки, 9-синфни битирар чоғимизда мактабимиз 11 йилликка айлантирилди. Мактабни битириб, Самарқанд давлат университетининг кимё факультетига ҳужжат топширдим. Афсуски, ўқишга киролмадим. Қизиққан фанимни чуқурроқ ўрганиш ва мақсадим сари интилишда давом этишга қарор қилдим.

Самарқанд тумани марказидаги Гулобод ижтимоий-иқтисодий коллежи ўрнида Самарқанд давлат университети қошидаги агробиотехнологиялар техникуми

ташкил этилганини эшитиб, шу таълим муассасасида ўқишни ният қилдим. Аввалига ота-онам рози бўлишмади, қўшимизнинг қизидек вақтни беҳуда ўтказишимни айтишди. Уларга техникумларда аъло баҳоларда ўқиган ёшлар олий ўқув юртига суҳбат асосида ўқишга қабул қилиниши мумкинлигини айтганимдан сўнг розилик билдиришди.

Бугун шу техникумнинг агрокимё йўналиши бўйича биринчи босқич талабасиман. Ўқишларим яхши. Шароитлар ва дарс жараёнлари коллежниқидан мутлақо фарқ қилади. Муассасамизда университет профессор-ўқитувчилари дарс беришади. Узоқ ҳудудлардан келиб ўқиётган ёшлар учун 150 ўринли талабалар турар жойи мавжуд.

Устозларимиз бераётган таълим-тарбияси, кучли назорати, шунингдек, қаттиққўллиги ҳар биримизнинг чуқур билим эгаллашимизга, юриш-туришимизга, берилган вазифаларни бажаришимизга туртки бўлапти.

Нурхон ХОЛДОРОВА.

Аҳроп РЎЗИМУРОДОВ

Таниқли олим, ветеринария фанлари доктори, профессор Аҳроп Рўзимуродов вафот этди.

Устоз 1937 йилда Оқдарё туманида туғилди. Ўрта мактабни тугатгач, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ветеринария факультетида ўқиди. Институтни битириб, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз қишлоқ хўжалик техникумида ўқитувчилик қилди.

А.Рўзимуродов 1963 йилда ветеринария илмий-тадқиқот институтининг арахноэнтомология лабораторияси мудириликда таяинланди. 1981 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва ветеринария фанлари доктори илмий унвонини олди. Фаолияти давомида 263 та илмий-амалий, илмий-оммабоп асарлар чоп этди. 30 дан ортқ илмий тавсиялари Ўзбекистон чорвачилиги амалиётига жорий этилди.

Домла МДХ мамлакатларида биринчи бўлиб чорвачиликда зоопаразитлар ва паразитоз касалликларга қарши курашнинг экологияга, инсон

ва ҳайвонлар организмга безарар бўлган "биологик усул"нинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқди. Чорвачиликда қўлланилиши мумкин бўлган фойдали энтомофаглар ва ўндан ортқ ўсимлик пиретроидлари ҳамда маҳаллий энтомопатоген бактерия ЎзВИТИ М №1 штамми қўлланилиши ҳақида патент, сертификат ва муаллифлик гувоҳномаларини олди.

А.Рўзимуродов Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган юзлаб патоген турларга мансуб экто ва эндопаразитлар популяциялари экологияси, фенологияси, метаморфозаси, патогенлиги, иқтисодий зарарини аниқлади.

Биология фанини биоценозлар - зообиоценоз, гидробиоценоз (биогеоценоз) эволюцион назарияга оид таълимотлар билан бойитди. Маълумотлар халқаро Википедия энциклопедиясида қайд қилинди.

Устоз Ўзбекистонда ветеринария паразитологияси илмий мактабини яратди. 15 нафар фан номзоди ва фан докторлари тайёрлади.



А.Рўзимуродов умрининг охиригача ВИТИ илмий ва методик кенгашлари, Халқаро Pittcon, ABSA, National Geographic Society илмий жамиятлари ва халқаро академиялар, Россия (Тюмень) илмий координация кенгаши аъзоси сифатида фаолият юритди.

Таҷрибали олим, фидойи ва жонқуяр мураббий Аҳроп Рўзимуродов доим қалбимизда мангу яшайди.

Ветеринария илмий-тадқиқот институти жамоаси.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти кафедраларда танлов мuddати тугаган қуйидаги лавозимларга меҳнат шартномаси асосида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Кафедра мудирилик лавозимига:

1. Автомобиль йўллари, замин ва пойдеворлар.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ректор номига ариза;
- ходимлар ҳисоби бўйича сўровнома;

- олий маълумоти ҳамда илмий даражаси ҳақидаги дипломлар;
 - илмий унвони ҳақидаги аттестат нусхалари;
 - илмий ишлари рўйхати;
 - малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.
- Ҳужжатлар газетанда эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70-уй, САМДАҚИ ректорати биноси, институт кенгаши котиби.

Мурожаат учун телефон: (66) 237-19-53.

Институт кенгаши котибияти.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Наманган вилояти Поп тумани давлат хизматлари марказидан 2018 йил 28 декабрда 659380 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «GOLIB-NUR-TEKS» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 305925220) Самарқанд шаҳридаги «MIRZO-NUR-TEKS» масъулияти чекланган жамиятига (СТИР: 305924515) янги таъсисчи сифатида қўшилмоқда. «MIRZO-NUR-TEKS» масъулияти чекланган жамияти «HOJI-NUR-TEKS» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетанда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Алишер Навоий кўчаси, 25-уй.

Наманган вилояти Поп тумани давлат хизматлари марказидан 2018 йил 28 декабрда 659364 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «SAM RAMAZON BARAKA» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 305925165) Самарқанд шаҳридаги «MIRZO-NUR-TEKS» масъулияти чекланган жамиятига (СТИР: 305924515) янги таъсисчи сифатида қўшилмоқда. «MIRZO-NUR-TEKS» масъулияти чекланган жамияти «GOLIB-NUR-TEKS» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетанда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 25-уй.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 23 ноябрда 917181 реестр рақами билан рўйхатга олинган «SAM RAMAZON BARAKA» масъулияти чекланган жамияти (қисқартirilган номи: «SAM RAMAZON BARAKA» МЧЖ) жамият таъсисчиларининг 2021 йил 26 майдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетанда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Пайарик туманидаги 35-ўрта мактабдан 2000 йилда Болибекова (ҳозирда Худоёрова) Молаҳат Шириновна номига берилган O'R-A № 776196 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Исмаилова Моҳиҳа Зафар қизи номига берилган ТМ-А № 0013026 рақамли 9 йиллик умумий ўрта таълим тўғрисидаги аъло даражали шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги солиқ 5-умумий ўрта таълим мактаби (ҳозирги Самарқанд шаҳридаги 75-умумий ўрта таълим мактаби)дан 2006 йилда Абдуллаев Парвиз Бахтиёрович номига берилган U № 0086623 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Ёдгоров Маржона Ёдгоровна номига берилган U № 3713205 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

каси Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Зарафшоншох кўчаси, 19-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 307930222.

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ҳақимов Игора Ҳикматовна нотариал идорасида марҳум Юсупов Уткирга (2020 йил 20 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳақимов Игора Ҳикматовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси.

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Аҳатов Улмас Тўраевич нотариал идорасида марҳум Ҳамедов Ҳакимга (2020 йил 25 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳатов Улмас Тўраевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси, 26-уй.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Аҳатов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасида марҳум Раджабова Маллохатга (2002 йил 26 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳатов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Андижони маҳалласи.

Пайарик туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариусларда марҳум Джураев Лочин Ибрагимовичга (2020 йил 8 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайарик туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариусларга мурожаат этишларини сўраймиз.

Самарқанд молия ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежидан 2019 йилда Шукурова Малика Акмал қизи номига берилган рўйхат рақами 839, К № 0356891 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежидан 2006 йилда Алмаматова Умида Незматуллаевна номига берилган К № 447144 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд таянч тиббиёт коллежидан 2018 йилда Умиров Дониёрбек Болтаевич номига берилган рўйхат рақами 595, К № 5102640 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 11-ўрта мактабдан 1996 йилда Жўракулова Мунира Нажмиевна номига берилган UZA № 007668 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 20-ўрта мактабдан 1986 йилда Пирматов Хасан Йўлдашевич номига берилган № 879453 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғурлик ўқувчи – “Энг яхши китобхон ўқувчи” танлови ғолиби бўлди

Вилоят болалар кутубхонасида “Адолат” СДП вилоят кенгаши билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, ёшларнинг китоб мутолаасига бўлган меҳрини оширишга қаратилган “Энг яхши китобхон ўқувчи” кўрик-танловнинг вилоят босқичи ўтказилди.



Унда шаҳар, туман босқичида ғолиб бўлган 14 нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётган мактаби ва мактаб кутубхонаси фаолияти, ёзувчи ва шоирлар ижоди, асар ғояси, мазмун-моҳияти, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва ғазалларни ифодали ўқиш бўйича ўз биллиларини синовдан ўтказди.

- Китоб тафаккурни чархлайди, одамни эзгулик сари етаклайди, - дейди “Адолат” СДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Аскар Холиқов. - Бугунги танлов ҳам

ўқувчиларнинг китоб мутолаасига бўлган меҳрини ошириши шубҳасиз. Танловда Булунғур туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Шаҳзода Элбегиева биринчи, Жомбой туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Диёра Аҳророва иккинчи, Қўшрабат туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Муштарий Исроилова учинчи ўринни қўлга киритди.

Шарофат ХЎЖАНОВА.

Самарқандда сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг минтақавий маркази очилади



Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг минтақавий марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, Сув хўжалиги вазирлигининг Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти ҳузурида Самарқанд минтақавий маркази ташкил этилади.

2022-2026 йилларда иқтисодиёт драйверлари қайси соҳалар бўлади

Президент Администрациясининг 2021 йил 25 мартдаги “2022-2026 йилларда ҳудудлар, тармоқлар ва соҳаларни ривожлантириш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш йўналишлари ишлаб чиқиш тўғрисида”ги фармойишига кўра, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг янги “ўсиш нуқталари”дан келиб чиқиб чуқур таркибий ўзгариштириш, тадбиркорлик

фаолиятини янада ривожлантириш учун қулай муҳит ва эркинликни яратиш ҳамда шу асосда ўрта ва узоқ мuddатли барқарор ривожлантириш дастурлари шакллантирилади.

2022-2026 йилларда ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш бўйича худудий ишчи гуруҳлар тузилади.

31 май –
Халқаро чекишга қарши кураш кун

Соғлом ҳаёт кечир

кашандаликка қарши курашнинг самарали йўли



Бу гап вилоят наркологи диспансери ташаббуси билан Жомбой тумани “Деҳқонobod” оилавий поликлиникасида ташкил этилган “Тамакисиз соғлом ҳаёт” мавзусидаги тадбирда айтилди.

Тадбирга туманининг Деҳқонobod ва Бешбола маҳаллаларида яшовчи аҳоли, ёшлар таълим институти, таълим муассасалари ва интеллектуал ривожланишга салбий таъсири, ёшлар ўртасида соғлом ҳаёт тарзини мустаҳкам қарор топштириш борасидаги долзарб масалалар юзасидан ташуунчалар берилди.

Маълумотларда келтирилишича, ер юзюда ҳар йили 3 миллиондан ортқ киши чекишга ружу қўйиши оқибатида ҳаётдан эрта кўз юмади. Чунки сигарета тутуни таркибида соғлиқ учун зарарли тўрт минг хил модда мавжуд.

- Бир дона сигарета чеккан кишининг юрак уриши, нафас олиш мароми тезлашади, қон айланishi бузилади. Оқибатда тана аъзоларига борадиган қон миқдори камаяди ва уларнинг фаолияти сустлашади, - дейди вилоят наркологи диспансери врач Учуқунжон Ибодов. - Яъни, кўпчилик ўйлаганидек, сигарета тинчлантирувчи эмас, аксинча, танада тангликни қучайтирувчи хусусиятларга эга. Бир дона сигарета шунча ўзгаришни келтириб чиқаришига эътибор қаратсак, кунига бир ёки икки қўти чекувчиларнинг аҳоли не кечини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шу каби тадбир туманининг Нормамат Эсонтурдиев номидаги оилавий поликлиникада ҳам ўтказилди. Тамакисиз, соғлом турмуш тарзига риоя этиб яшаш узоқ умр кўриш омилли экани айтилди.

**Дониёр АҲМАТОВ,
Шерали ҚОСИМОВ.**



СЎЗ ИЗЛАБ ҲАЛОВАТ ТОПАДИ, ҚАЛБИДА ШИРИН ТҮЙҒУ...

Хосият Бобомуродова Зарафшон воҳасининг дилбар шоираси. У аслида шоира бўлиб туғилган, шу сабабли гарчанд, мактабда математикадан сабоқ бермасин, газеталар таҳририятларида ишласин, Ўзбекистонга шоира бўлиб танилди. Унинг дилбарлиги шундаки, СЎЗ излаб ҳаловат топади, қалбида ширин туйғу, шурида ташбеҳ пиширади. Ҳамманинг кўнглидаги ва барчага ёқадиган гапни гўзал сатрларда айта олади. Келинг, таниқли шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Хосият Бобомуродова шеърларидан сиз ҳам баҳраманд бўлинг.



САМАРҚАНДГА КЕЛ

Қувончу ғамларни ютган қасрлар, Регистонда кулар, йиллар асрлар, Ҳар қаричда жумбоғу сирлар, Самарқандга кел!

Тирикми ҳайратинг, боқ: Бибиҳоним, Меҳр керак бўлса, ич, ана қониб, Покланмоқ истасанг оққил тўлғониб, Самарқандга кел!

Шоҳинда – макони уйғоқ руҳларнинг, Йймон деб курашган пок гуруҳларнинг, "Бу- мен!" деб яшаган кўнгли қуҳларнинг, Самарқандга кел!

Гўри Мир, юлдузлар кўниб ўтар жой, Тўхтаб қолар бунда ўн тўрт кунлик ой, Меҳрбоб деганлари шудир ҳойнаҳой, Самарқандга кел!

Шоҳ бўлмоқ истасанг битта юракка, Қул бўлмоқ истасанг битта юракка, Кўйилмоқ истасанг битта юракка, Самарқандга кел!

ВАТАН ЯГОНАДИР

Дерлар ширин сўзнинг гадолари кўп, Ёниб турган кўзнинг адолари кўп. Ҳурлар бор, ҳаттоки худолари кўп, Ватан ягонадир, Ватан биттадир!

Кездим, ки дунёнинг йўллари узун, Фаҳми ноқисларнинг қўллари узун. Аммо барчасининг кўрар кўзи: Ватан ягонадир, Ватан биттадир!

Кимдир дўстларини сотиши мумкин, Кимдир ўзига ўқ отиши мумкин. Ўқ ўтмас қалъанинг борлиги ҳам чин, Ватан ягонадир, Ватан биттадир!

Ватан деб Ватандан кетганлар айтсин, Соғинч ёқасидан тутганлар айтсин. Пушаймонлик захрин ютганлар айтсин, Ватан ягонадир, Ватан биттадир!

Нега учган қушлар қайтади бот-бот, Қозигини излаб келар учқур от. Дунёда бор бўлсин меҳр-оқибат, Ватан ягонадир, Ватан биттадир!

Менинг Темур бобом – Соҳибқироним, Қонидан қўшилган бир қошиқ қоним, Асрларни енгиб елган бўроним, Ватан ягонадир, Ватан биттадир!

Ер юзин қаратган кўркем Самарқанд, Қирқ йил шоҳи бўлган Улуғбекдек мард. Кўксимдаги қувонч, кўксимдаги дард, Ватан ягонадир, Ватан биттадир!

Биров бор боласин ташлаб кетади, Биров бор онасин ташлаб кетади. Аммо ватан ташлаб кетмас ҳеч қачон, Ватан ягонадир, Ватан биттадир!

Нега томиримга сизга борар қон, Эрларнинг жони ўн, меники қирқ жон. Бер, деса барини қилайин қурбон, Ватан ягонадир, Ватан биттадир!



Мени ҳаловатлар боғига қақир, Кўнглингни бир марта бергил, деб ҳайқир, Кўнгли олавериб чарчадим ахир, Бир марта кўнглимни ол, дунё сен ҳам.

Ғамлар сўраб келди, адил, тик турдим, Қорлар сўраб келди, сочимни бердим, Севи сўраб келди, чўқдим, йиқилдим, Бир марта кўнглимни ол, дунё сен ҳам.

Тўшалганим сари босиб ўтарлар, Бу тупроқ жонимдан ўсиб ўтарлар, Дилимни дорларга осиб ўтарлар, Бир марта кўнглимни ол, дунё сен ҳам.

Кўнглим очиклиги маломат бўлди, Дилимга кирганлар устимдан қулди, Дардларимдан китоб туз деб яшадим, Сабр қосаларим лиммо-лим тўлди, Бир марта кўнглимни ол, дунё сен ҳам.

Ўз деб яшамадим, сўз деб яшадим, Гуллар экавериб, уз деб яшадим, Дардларимдан китоб туз деб яшадим, Бир марта кўнглимни ол, дунё сен ҳам.

Бу дардли гулингни суйсанг суйгин-да, Ғамнинг қадамини тийсанг тийгин-да, Бошимни кундага қўйсанг, қўйгин-да, Бир марта кўнглимни ол, дунё сен ҳам.

ТОРТИНЧОҚ ОРЗУ...

Билмам бу кунларим бахти, ё қайғу, Нега келган эдим, нега кетяпман? Умрим якун топар қай лаҳза, қай кун, Дунёнинг сирини билмай ўтпаман.

Ўтган умрим, қалбим сўзга бойланди, Сўз бўлиб, ҳаммадан сўрадим аҳвол. Омад келган бўлса, сўзга айланди, Сўз топмаган куним бўлдим жиму лол.

Қайки сўзни енгсам, туйдим бир тотни: Кирдим, дедим, шонли адабиётга! Менга енгилган сўз, енгар ҳаётни, Олиб кетар мени абадиятга.

ЖАЛОЛИДДИНГА

Куласан, қулгинга бўламан ўртоқ, Нинадай ғаминга теппа-тенг шерик. Йилласанг, жон тутиб тоқатларим тоқ, Сенинг ташвишларинг билан мен тирик!

Келма! Нимадир ўзига тортмаса, Занжирлаб олмаса эсу хушингни. Вужудинга хижрон юкин ортмаса, Кўклам чорламаса кўнгли қушингни.

Келма! Келмаслигинг бермаса азоб, Келмай ҳам умрингдан ўтаверса кун. Қалб деган кишидан бўлсанг озод, Йилгасанг эркин бўлганинг учун.

Келма! Ҳис қилмасанг меҳр кучини Ва токи йўқ экан кўзларингда нам. Дунёнинг бор алам ва бор ўчини Узимдан оламан, йўқ сенга гинам.

Битмаган шеърининг интиқ сатрида, Сенинг шўхликларинг кезиб юрибди. Ҳидларинг тотлики, гуллар атрида, Бу буй топилмагай, сезиб турибман.

Умид экиб, ўлат ўрдинг далангдан, Чигит экиб, хўрлик тердинг далангдан, Меҳнат қилиб нима кўрдинг далангдан, Гулинг қачон гул бўлади, эна юрт?

Чаманингни ташлаб чўлга юзладинг, Кетмон билан Орол - қўлга юзладинг, Манглайи шўр лак-лак гўлга юзладинг, Чўлинг қачон чўл бўлади, эна юрт?

Мақтадилар, гул кўксингда, хўп дединг, Топтадилар, қўл кўксингда, хўп дединг, Алдадилар, қўл кўксингда, хўп дединг, Тилинг қачон тил бўлади, эна юрт?

Аёлларинг айтолмаса алласин, Тобут учун туғаверса боласин, Тик кўрмаса эркак деган қалъасин, Йўлинг қачон йўл бўлади, эна юрт?

Ой туғдингни, кун туғдингни, энажон, Қизларингни тул туғдингни, энажон, Ул туғдингни, қул туғдингни, энажон, Улинг қачон эл бўлади, эна юрт?

Хосият БОБОМУРОДОВА.

Ўзбекистон ўғлидурман, тожикам гуфто писар

Ўлмас Жамол! Бу номни эшитган киши ўзбек ва тожик халқлари дўстлик ва биродарлик куйчисини кўз олдига келтиради.



Турсунзода) районда ўқитувчи, кейин халқ таълими бўлимининг методисти, Тожикистон радиосининг ўзбек бўлимида муҳаррирлик қилди. 1964 йилдан умрининг охиригача «Совет Тожикистони» (ҳозирги «Халқ овози») газетасида муҳаррир ўринбосари бўлди.

Ўзбекистон ва Тожикистоннинг турли наشريётларида қўллаб шеър китоблари нашр этилди. Тожик ва ўзбек шоирлари орасида биринчи бўлиб «Масрур» ва «Сурур» номли девонлари чоп этилди.

Ўлмас Жамол 1974 йилдан Тожикистон Ёзувчилар иттифоқи аъзоси, Ёзувчилар иттифоқининг ўзбек бўлими бошлиғи, Тожикистон Республикаси Рудакий номидаги давлат мукофоти комитетининг аъзоси бўлиб фаолият юритган.

Зулисонайн, яъни икки тилда ижод қилувчи бу инсон ўзбек ва тожик халқларининг дўсту биродарлиги тўғрисида ёзган мисралари оҳангдор, равон ва ўзбек учун ҳам, тожик учун ҳам содда ва тушунарлидир: Ўзбекистон ўғлидурман, тожикам гуфто писар, Рост гўям ҳар қадоме севгилимдур жон қадар, Она деб айтсам бировин, биттаси менга падар, Ҳамчу ду чашми сиёхам икки халқ ҳам мўътабар, Меҳру ёдаш дар вужудам порлаган шамсу қамар.

Ўлмас Жамол 2017 йил июнь ойида 83 ёшида Душанбе шаҳрида вафот этди. Ундан бой ижодий мерос қолди. Бу мерос муҳлислари ва ихлосмандлари кўнглига таскин бергусидир. Зеро, ижодкорнинг умри унинг асарларида мангу яшайди.

Камолиддин РАЖАБҚУЛОВ, Ургут туманидаги 49-мактаб директори ўринбосари.

Кейинги йилларда кўпчилик ёшларнинг оилага тайёр бўлмаш турмуш қураётганини кузатяпмиз. Яъни, кўпроқ уларнинг ота-оналари бу ишга шошади ва хали маънан оилага тайёр бўлмаган фарзандларининг турмушида қатор муаммолар юзага келади. Мутахассисларнинг фикрича, йигит-қизларнинг турмуш қуриш ёши оила мустақамлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан биридир. Афсуски, айрим ота-оналар балоғат ёшига етмаган қизини узатиш ёки қариндошининг қизи беғона бўлмасин, деб ўғил уйлантириш тараддудига тушади.

Тўйдан сўнг куёвнинг касали ошкор бўлди

Республикамизда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини омаллаштириш, тиббий маданиятини ошириш ва ёшларнинг никоҳга оид тушунчаларини кенгайтириш, қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳларнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар олиб боришмоқда. Афсуски, бу сазой-ҳаракатларга қарама-қарши, репродуктив саломатлик талабларига зид равишда қизларни барвақт ёки тегишли тартибларга риоя қилмай турмушга узатиш ҳоллари кузатишмоқда.

Яқинда бир оила қизига келган совчиларга розилик бериш экан, уларнинг тўй кунини белгилаш ҳақидаги таклифини ҳам рад этолмади. Никоҳ тантанаси фотиҳадан кейинги ҳафтага белгиланди. Эртаси кун эса бўлажак келин-куёв никоҳни қайд этишни сўраб, ФХДБ бўлимига борди. Бўлим мудираси уларнинг аризасини қабул қилгач, тиббий кўрикдан ўтиш учун йўланма берди. Тўй кун аввалдан белгилангани боис, қудалар тиббий кўрик натижаларини кутиб ўтирмай, тўйни ўтказишди. Бироқ... Ёш оила бир ой ўтмасдан парчаланди. Чунки тўйдан тўрт-беш кун ўтгач, куёвнинг тутқаноғи борлиги

маълум бўлди. Бу эса келин томонга жуда алам қилди. Шу боис, улар ўзларига келтирилган моддий ва маънавий зарарни қоплашни сўраб, судга мурожаат қилишди. Энди ҳақиқат савол туғилади, юз берган кўнглисизликда келин томоннинг ўзи ҳам айбдор эмасми? Негаки, ота-она қизини тиббий кўрик ва қонуний никоҳсиз узатиб юборди. Аксинча бўлганда, бугунги аҳволга тушиб ўтиришмас эди. Албатта, бу воқеа тўй арафасида турган барча ота-онага сабоқ бўлади.

Ёш қизлар эрта турмушга чиқиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан қийналади. Талаба бўлса дарсларга улгурмай қолади ва натижада билими пасайиб кетади.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг бахтли бўлишини истади, албатта. Лекин қизимни тезроқ турмушга берсам хотиржам бўлардим, деган нотўғри қараш билан ўз ҳаловатини ўйлайдиган, фарзандининг ўқишни давом эттириши ёки эгаллаган касби бўйича ишлашига тўқсинлик қиладиган ота-оналар ҳам йўқ эмас.

Роҳила СУВОНОВА, СамДУ доценти.

Zarafshon Samarqandskiy Vestnik logo and name.

MUASSIS: «Zarafshon» va «Samarqandskiy vestnik» gazetalarini tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV. Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyati matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56 BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi. Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV. Navbatchi: X.ERNAZAROVA. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

ISSN-201667X. 9 772010 667009